

VII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 30,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 841,2 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 108,2 фоизга кўпайди

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	30,8	104,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	30,8	104,1
Юк айланмаси, млн. тн-км.	841,2	108,2
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	841,2	108,2

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 101,9 фоизни ташкил этди ва 577,2 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 72,5 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 76,7 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 205,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,6 фоизни, 6793,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь- сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	205,5	104,0
<i>шу жумладан:</i> автомобиль транспортида	205,5	104,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	6793,7	103,6
<i>автомобиль транспортида</i>	6793,7	103,6

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 102,7 фоизни ва 6253,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 92,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябда 92,8 фоиз).

2018 йил январь-сентябрь ойларида транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

